

ФАЛЛАКОРЛАРНИНГ БУГУНГИ ЮМУШЛАРИ

АМАЛ ОЛАЁТГАН МАЙСАЛАР

ЖОРИЙ ЙИЛДА МАМЛАКАТИМИЗ ФАЛЛАКОРЛАРИ 7 МИЛЛИОН 170 МИНГ ТОННА ДОН ХИРМОНИ БУНЁД ЭТИШИБ, ФАЛЛА МУСТАҚИЛЛИГИНИ ЯНАДА МУСТАҲҚАМЛАШДИ. УЛКАН ХИРМОН ЯРАТГАН ДЕҲҚОН ЭРТАНГИ КУНИНИ ЎЙЛАЙДИ. КЕЛГУСИ ҲОСИЛГА ШУ КУНДАН ПУХТА ЗАМИН ТАЙЁРЛАЙДИ.

Ахир, деҳқон учун осон келган, ўз-ўзидан ҳосил битган йилнинг ўзи бўлмаган. Ҳосил ортида машаққатли меҳнат, тажрибаю омилкорлик борлигини деҳқон яхши билди. Шу боис, ҳар бир дондан унумли фойдаланишга ҳаракат қилади. Агротехник тадбирларни оби-тобиди ўтказиш учун бор ғайратини сарфлайди. Шу кунларда фаллакорларнинг яна бир муҳим мавсуми охириб бормоқда. Ерга уруғ қадаш ва уни тиним давригача туллатиб олиш ҳосилдорликни таъминлашнинг муҳим омилли ҳисобланади. Қолаверса, табиат қаршиб турибди. Давлатимиз томонидан барча ғамхўрликлар кўрсатилмоқда. Мана шу омиллар фаллакорларни мақбул муддатда экиб олиш ва майсаларни туллатишга имкон яратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, шу кунгача республикамиздаги барча фаллакор фермер ҳўжаликлари сувли майдонларда фалла экишни якунладилар. Бу жараёнда уларга 2600 дан зиёд ер тайёрлаш ва экиш отрядлари, 6 миңдан зиёд уруғлик ва минерал ўғит етказиб бериш бўйича масууллар, 25 миң нафардан ортик механизаторлар, 2 миң нафардан ошқ сертификатчилар ўз кўмакларини беришди.

МОДЕРНИЗАЦИЯ САМАРАСИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Ўзагротехсервис" уюшмаси тизимидаги машина трактор паркларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш борасида олиб борилган ишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Айни пайтда "Ўзагротехсервис" уюшмаси тизимида 13 та худудий машина-трактор парклари бирилма-бир, 179 та туман машина-трактор парклари, 4 та республика миқёсидаги ва 11 та вилоят миқёсидаги таъминот корхоналари, 14 та таъмирлаш ва ишлаб чиқариш заводлари, 10 та техникаларга техник хизмат кўрсатувчи корхоналар, 3 та қўшма корхона ҳамда "Қишлоқ ҳўжалиги техника ва технологияларини синаш ва сертификатлаш давлат маркази" фаолият кўрсатиб келмоқда.

Уюшма тизимидаги корхоналар қишлоқ ҳўжалиги махсулотлари етиштирувчи фермерларга техник сервис ва механизация хизматларини кўрсатиб, мамлакатимиздаги ҳайдаладиган ер майдонларининг 35-40 фоизини шудгорлаш ва етиштирилаётган фалла ҳосилининг 50-55 фоизини йиғиб беришда иштирок этмоқда. Шунингдек, уюшма тизимидаги корхоналарда янги иш ўринлари яратиш дастурига асосан 82 та, шу жумладан, 64 та касаначилик, 8 та маҳаллийлаштириш дастури асосида, 10 та ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳисобига янги иш ўринлари яратилди.

"Ўзавтосаноат" компаниясининг дилерлик корхоналари, бириктирилган банкларнинг туман бўлимлари ва "Ўзагротехсервис" уюшмаси тизимидаги туман МТПлари таъсисчилигида ташкил этилган 152 та "Агротехсервис МТП" масуулияти чекланган жамиятларида қўшимча тармок сифатида парранда ва қорамол боқиш бўлимлари, дориҳона, сартароҳона, новойҳона, ветеринария шохобчалари, автомобилларга сервис хизматлари кўрсатиш шохобчалари ташкил этилиб, аҳолига хизмат кўрсатишмоқда. А.КАМОЛОВ

Навоий Вилояти

Нуроталиқлар Пашот, Қоратог этакларида, "Истиклол" наслик ширкат ҳўжалигида эллик йилдан ортик сурув ортидан кезган моҳир чорвадор Чўли Хўжақуловни яхши эслашди. Камтарин, камсуқум бунинсон ҳолол меҳнати туфайли эл орасида алоҳида ҳурмат-этибор қозонган киши эди. Бугун эса унинг ишини ўғли Илёс Хўжақулов давом эттирмоқда. Унинг отарида 500 бошга яқин кўй-эчки бўлиб, чорвадор учун мураккаб келган ўтган йилда ҳам чўпон ҳар бир совлиқдан биттадан кўзи олишга ва 285 бош кўзини наслига сақлаб қолниши эришганди.

— Ҳўжалигимизда 69 та отар мавхуд, — дейди ушбу ширкат ҳўжалиги бош ветеринария ваҳри Фахриддин Сатторов. — Уларда 38 миң бошдан ортик кўй-эчки ва 66 бош йилки парвариш қилинган. Жорий йилда ўтган кўламдаги қурғоқчилик ҳамда қўшининг анча чўзилганининг таъсири чорвачиликка яққол сезилди. Лекин чўпонларимизнинг тажрибаси, меҳнати ва бўлган муносабатлари қийинчиликлардан устун келди. Кўзи

олиш, уларни ўстиришга қолдириш, қоракўй тери ва жун тайёрлашда мўлжалдаги натижаларга эришдик. Илёс Хўжақулов сингари чўпонлар эса фидойиликлари билан ҳамкасбларига ибрат бўлмоқда. Илёс ака меҳнат қилаётган Барқобой отарида бўлди. Бир тарафи Қонимехнинг "Сарибел"ига, иккинчи томони "Фозгон"га туташ бўлган чўл ўртасидаги чўпон уйи

Сирдарё Вилояти

Ховос тумани Меҳнатобод СИУ худудидаги "Аҳмад Хўжаев" фермер ҳўжалиги далалари шўрхок, боз устига, йил бўйи Бекобод шамоли гувиллаб "уриб" турадиган майдонларда жойлашган. Бу ерларда деҳқончилик қилиш осон эмас. Шамоли кучайган вақтда сув олинган, культивация ўтказилган майдонлар икки кунга қолмай қотиб қолади. Шу сабаб, вегетация даврида гўза қатор ораларига 8-10 марта-ла ишлов беришга тўғри келади. Тупрокда намликни узоқ вақт сақлаб туриш учун галла ва гўза пайкалларига маҳаллий ўғит "шарбат" қилиб оқизилади.

Ардокланган Ер Саховатини Аямайди

— Ҳўжалигимизда "МТЗ-80" тракторлари, тиркама, "ВТ-150", бир нечта сеялка, культиватор, чизель ва ер текислаш механизмлари мавжуд, — дейди фермер Олимжон Хўжаев. — Бу ҳар бир агротехник тадбирни ўз вақтида бажариш имконини бераёттир. Жорий йилда 91 гектар майдондаги галларзорлардан 45 центнердан сара дон ўриб-йиғиб олдик. Унинг 85 тоннаси уруғликка ўтди. Ишчиларимизга 60 тоннадан зиёд бугдой таркатдик. 3,5 гектар майдондаги боғимизда ёздан кеч қузгача ўрик, олма, шафтоли, олхўри каби сархил мевалар узилмайдди. 1,5 гектарда тутзоримиз ҳам бор. Ҳар йили 300 килограммдан ошариб пилла топтирялмиз. Бу йил яна бир хайрли ишга қўл урдик. Дала шийони ёнида алоҳида қурқаччилик ҳўжалигини ташкил қилдик. Ҳозирда паррандачилик фермамаизда 150 та қурқа боқилмоқда.



— дейди Олимжон Хўжаев. — Янги нав шўрхок худудга яхши мослашиб, синовдан кўнгилдагидек ўтди. Агротехник тадбирларни вақтида ўтказишда механизаторларимиз Сайфулла Худойкулов, Фулом, Эркин, Расул, Тўлқин Хўжаевлар, сувчилардан Бахтиёр Ғоипов, Шавкат Шодийеров, Шўхрат Ҳазраткулов, Жўрабек Алимбеков, Адхам Мирзаевлар йил бўйи ғайрат-шижоат билан ишлашди. Қолаверса, ҳар жиҳатдан қўлай келган жорий йилда давлатимиз томони-

дан биз фермерларга ўғит, уруғлик, ёнилгининг дала бошигача етказиб берилиши мўл ҳосил йиғишимизга мадад бўлди. Юртбошимизнинг шу йил 22 октябрдаги "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада тақомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони биз фермерларга фаолиятимизни янада кенгайтиришга хизмат қилади. Мулкдор шўнга яраша ишлаши, ер, экин билан тиллашиб меҳ-

нат қилиши керак. Зеро, жон койитган, ерини ардоқлаган деҳқондан ер ҳам саховатини аямайди.

Айни пайтда даладаги бор ҳосилни саранжомлаш баробарида омилкорлар қўзи галла экишни ҳам якунлашди. Ҳозирда майдонларда бир текис унган майсаларнинг ривожини тезлаштириш мақсадида қўшимча озиклантириш ишлари олиб боришмоқда. — дейди Наманган давлат ўрмон ҳўжалиги раҳбари Алишер Мирзаев. — Ана шу эгиз ишларда озми-кўлими биз ўрмончиларнинг ҳам ҳиссамиз борлигидан мамнунимиз. Атроф-муҳит экологик мувозанатини яхшилашда сунъий ўрмонлар муҳим аҳамият касб этади. Бу борада ҳам вилоят ўрмончилари томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, тоғда жарликлар пайдо бўлиш хавфини олдини олишда, сув танқислиги муаммосини ечишда, селга қарши курашишда, қўмларнинг қўчишни тўхтатишда сунъий барпо этилган ўрмонлар ёки дарактзорларнинг алоҳида ўрни бор. Шу боис, вилоят ўрмончилари томонидан бу борада ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Жорий йил баҳорида вилоят бўйича 4505 миңдан ортик мевали ва манзарали даракт қўчатлари экилди.

ҚОРАКЎЛЧИЛИК

ҚОРАТОҒ ЭТАКЛАРИДА



Каррак қўй учун энг ширали, хушхўр ва тўйимли озуқа-да. 4 тонна сомон, 12 тонна табиий пичан, етарли даражда янтоқ ҳам бор. Қисқаси, қўшга тайёрлагилмиз яхши.

Илёс Хўжақуловга қўшини Мулла Файзулла яйловидаги отарда қўй боқётган Тоир Хўжақулов ҳам чорвачиликнинг ҳадисини олганлардан экан. Энг аввал эътиборимизни тортгани чўл ўртасидаги уй

ёнида қудудан зилол сув чиқиб турибди. Бетон ариқчалардан қўйлар сув ичяпти. Отар атрофида тўпланган ёмишининг салмоғидан ҳар қандай чорвадорнинг кўнгли тўлади. Сомон, табиий пичан, янтоқ, қарракча бор. — Бу йил яйловларимизда қаррак мўл бўлди, — дейди бош чўпон. — Имкониятдан фойдалан, масак бўлмасди. Ушбу озуқанинг ўзидан 42 тонна қаррак бўлди. Каррак қўй учун энг ширали, хушхўр ва тўйимли озуқа-да. 4 тонна сомон, 12 тонна табиий пичан, етарли даражда янтоқ ҳам бор. Қисқаси, қўшга тайёрлагилмиз яхши. Илёс Хўжақуловга қўшини Мулла Файзулла яйловидаги отарда қўй боқётган Тоир Хўжақулов ҳам чорвачиликнинг ҳадисини олганлардан экан. Энг аввал эътиборимизни тортгани чўл ўртасидаги уй

атрофининг гулзорга айлантирилгани, мевали ва манзарали дарактларнинг қўлиги бўлди. Бунинг учун Тоир ҳам қудқ сувдан фойдаланар экан. Тойланган сомондан катта фарам қилинибди. Унинг ёнида бир эмас, иккита трактор ва энгил машина турибди.

— Фақатгина қўйчилик билан эмас, деҳқончилик билан ҳам шуғулланамиз, — дейди бош чўпон. — Ҳозир қарамонимизда 320 бош совлиқ, 200 та кўзи бор. Ана шу 200 бош кўзи тўл даврининг 70 фоизлик натижаси. Давлатга топширилган 120 дон қоракўй терини ҳам ҳисобласак, ҳар совлиқдан биттадан кўзи олган бўламиз. 15 гектар деҳқончилик қиладиган суғориладиган еримиз бор. Унинг 5 гектаридан бу йил галла етиштириб, гектаридан 32 центнердан ҳосил олдик.

Саратоннинг иссиғида, қаҳратоннинг изғиринли дамларида чўпонга осон тутиб бўлмайди. Ҳар бир чорва молини асраб-авайлаш, уларни иссиқдан, совуқдан сақлаш учун чўпон хузур-халоватидан кечадди. Бугун эса Нуроталиқ "Истиклол" наслик ширкат ҳўжалиги чорвадорлари қишининг ана шундай машаққатли кунларига пухта ҳозирлик қўриб қўйишган. Барча отарларда қоракўй миқдорда ем-емиш жамғарилган. Чўпон уйлари, қўра ва қўтонлар таъмирланган.

Абдураҳул САТТОВОВ, "Qishloq hayoti" муҳбири.

ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ УЧУН НАНОТЕХНОЛОГИЯЛАР

— Янги технологияни амалда қўллаш қандай натижалар беришмоқда? — Вақт шуни кўрсатдики, уруғларни экишдан олдин тайёрлаш бўйича ушбу технологиядан фойдаланиш ҳисобидан чигитини қайта экиш, гўзани яганалаш, турли касалликлардан доволашга ҳожат қолмайди. Бунинг натижасида гўза бир ҳафта олдин экиш чикади, ҳосилдорлиги гектаридан ўртача 5 центнерга ошади, пахта толасининг сифати яхшиланади. Бундан ташқари, янги технология ёрдамида аниқ экиш туфайли уруғлик сарфи 30 фоизга камаяди. Умуман олганда, ишлаб чиқариш сарф-харажатлари оддий экишга қараганда қарийб 1,7 баробарга камаяди. "ЎзХИТАН" препаратини қўллаш экиш пайтида агротехник тадбирлар самарадорлигини ошириб, фермер ҳўжалигига ҳар гектар ер ҳисобидан 170 миң сўмдан ортик маблағ тежаш имконини беради. Шунинг учун мамлакатимизда капсулаланган чигит экилаётган майдонлар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Мисол учун, 2010 йилда қарийб 2 миң гектар, 2011 йилда 4 миң гектардан зиёд, жорий йилда эса 13,3 миң гектардан ортик майдонга шундай чигит қадалди. Бу борада дастлаб мамлакатимизнинг бешта худудидан ер ажратилган бўлса, ҳозир капсулаланган уруғликдан Андижон,

Наманган Вилояти

Ўрмончиларнинг хайрли ишлари

Наманган давлат ўрмон ҳўжалигининг Учқўрғон туманидаги "Теракзор" кўчатчиликка ихтисослашган бўлимида қрим қарағайи, япон сафораси, каштан, арча, қайрағоч ва бошқа бир қатор мевали ва манзарали даракт қўчатлари етиштирилади.

Улугбек Азизов раҳбарлигидаги мазкур бўлим аъзолари кўчат етиштириш сирасорларини пухта эгаллашган. Ҳўжаликка ўтган йили 21 турдаги 453 миң донга кўчат етиштирилиб, аҳолига сотилди. Бунда агроном Муҳаммадҷон Мирзаев, ишчилар Шавкатжон Эргашев, Илҳомжон Хўсанов, Ҳосиятжон Нормирзаев ва бошқаларнинг ҳиссаси катта бўлди.

— Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 6 августдаги "Наманган шаҳрини 2009-2012 йилларда ободонлаштириш ва ихтимойи инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар Дастури тўғрисида"ги Қарори асосида вилоятимизда кенг қўламдаги ободонлаштириш ва кўкчамзорлаштириш ишлари амалга оширилмоқда, — дейди Наманган давлат ўрмон ҳўжалиги раҳбари Алишер Мирзаев. — Ана шу эгиз ишларда озми-кўлими биз ўрмончиларнинг ҳам ҳиссамиз борлигидан мамнунимиз.

Атроф-муҳит экологик мувозанатини яхшилашда сунъий ўрмонлар муҳим аҳамият касб этади. Бу борада ҳам вилоят ўрмончилари томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, тоғда жарликлар пайдо бўлиш хавфини олдини олишда, сув танқислиги муаммосини ечишда, селга қарши курашишда, қўмларнинг қўчишни тўхтатишда сунъий барпо этилган ўрмонлар ёки дарактзорларнинг алоҳида ўрни бор. Шу боис, вилоят ўрмончилари томонидан бу борада ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Жорий йил баҳорида вилоят бўйича 4505 миңдан ортик мевали ва манзарали даракт қўчатлари экилди.

Бундан ташқари, Наманган давлат ўрмончилик ҳўжалигида ёрдамчи ҳўжалигини ривожлантириш ва озик-овқат махсулотлари етиштиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ҳўжаликда асарчилик, паррандачилик, чорвачилик ҳамда баликчиликни ривожлантириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар белгиланган.

Маъмур МУСУЛМОНОВ

оширади. "Полидеф" таннархи бошқа дефолиантларга нисбатан анча кам ва у импорт ўрнини босадиган махсулот ҳисобланади. Ушбу препарат "Фаргонаазот" очик акциядорлик жамиятида Полимерлар қимёси ва физикаси институтини технологияси бўйича корхона ҳамда институт ўртасида тузилган лицензия шартномаси асосида ишлаб чиқарилмоқда. Фермерлар учун уни қўллаш йўриқномаси ҳам тайёрланди. Дарвоқе, бугун дунёдаги пахта етиштирадиган ҳамма давлатларда ҳам чигитни дориллаш воситалари ва дефолиантлар ишлаб чиқарилаётгани йўқ. Шу сабабли катта иқтисодий ва экологик афзалликларга эга "ЎзХИТАН" ва "Полидеф" препаратларини мамлакатимиз экспорт қилиши ҳам мумкин. Бу институтимиз мутахассислари томонидан мамлакатимизнинг жадал ривожланиб бораётган қишлоқ ҳўжалиги эҳтиёбларини учун мўлжалланган ишланмаларининг айримлари, ҳолос. Айни пайтгача чикинди ҳисобланган оксидланган линдтан экологик зарарсиз органик минерал ўғитлар олиш технологияси, ўсимликларнинг ўсишини тезлаштирадиган воситалар шулар жумласидандир. Пахта целлюлозасидан фойдаланиш борасида ҳам кўплаб тадқиқотлар амалга оширилмоқда. АНА ИВАНОВА, ЎЗА МУҲБИРИ.

КИЧИК КРЕДИТЛАР ЯРАТАЁТГАН КАТТА ИМКОНИЯТЛАР



Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармонида асосан фаолият бошлаган ушбу банк ўтган йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг энг ишончли ҳамкорига айланди. Юртбошимизнинг 2008 йил 10 ноябрдаги "Микрокредитбанк акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг қабул қилиниши эса банкнинг тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлари қўламини янада кенгайтириш имконини яратди.

Банк томонидан жорий йилнинг ўтган даврида белгилаб олинган вазифаларни амалга ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларни таҳлил этадиган бўлсак, эришилган натижалар қувонарли эканлигини кўрамиз. Яъни, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида 166,4 миллиард сўмлик микромолиявий хизматлар кўрсатилди. Бунинг эвазига 90 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди. Янги иш ўрни, энг аввало, аҳоли бандлиги демакдир. Фаровонликнинг бош омилли ҳам аҳолининг иш билан таъминланганлигидадир. Шунингдек, микросармоаларнинг фойдаланиш шартлари камлиги тадбиркорларга катта қўлайлик яратиб, уларнинг ишлари янада ривожланишига кўмак бераётди. Шунингдек, таъкидлаш лозимки, кўрсатилган микромолиявий хизматлар миқдори кичик бўлса-да, микромолиявий хизматлардан фойдаланаётган миқдорларнинг сони юқори ҳисобланади. Жумладан, банкнинг имтиёзли микромолиявий хизматларидан фойдаланаётган миқдорларнинг аксарияти қисми айнан кичик миқдордаги банкнинг бошланғич сармоясидан фойдаланаётган миқдорларни ташкил этади.

Маъмурий қўллаб-қувватлаш масаларида алоҳида эътибор берилмоқда. Ақриллаётган имтиёзли микрокредитлар жойларда, айниқса, чекка қишлоқларда тадбиркорларнинг бошланғич сармоясини шакллантиришга замин яратаётганлиги, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга катта ҳисса қўшаётгани эътиборга моликдир. Тадбиркорликнинг турли йўналишлари — маиший хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, чорвачилик, паррандачилик, балкичилик ва асаларчиликни ташкил этишда микрокредитлардан фойдаланиш ниҳоятда самаралидир.

Банк томонидан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида 39,2 миллиард сўм сармоя йўналтирилди. Мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларига банк сармоясини киритиб, аҳоли фаровонлигини оширишни мақсад қилган банк жамоасининг тадбиркорлар билан учрашувлари, малакали мухтаassisларнинг тавсиялари,

тажриба ва амалиёт уйғунлиги, энг муҳими, фойзи кам кредитлардан унумли фойдаланиш борасидаги фикрлар ёшларда тадбиркорликка бўлган қизиқишнинг орттиришда. Банк томонидан аънавий ўтказиб келинаётган "Ёш тадбиркор — юртга мадакор" танловидан минглаб ёшлар иштирок этиб, ўзининг бу борадаги салоҳияти, иқтидорини намойиш этмоқда. Шунинг баробарида яна минглаб ёшларда тадбиркорликка қизиқиш уйғонмоқда. Банк томонидан коллеж битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини бошлашга кўмаклашиш мақсадида 8,9 миллиард сўм миқдорда кредит ажратилгани қўллаб-қувватлаш мақсадида банк билан шугулланишига мадад бўлди. Энг муҳими, ёш тадбиркорларнинг минглаб тенгдошлари ҳам иш билан таъминланди.

Маиший хизмат касб-ҳўнар коллежини тикувчилик йўналиши бўйича битиргач, "Микрокредитбанк"дан 3 миллион сўм кредит олиб, иш бошладик, — дейди Жиззах тумани Хайриобод қишлоғидаги тикувчилик цехи раҳбари Дилдора Ҳазратқуллова. — Тўрт нафар ишчи билан буюртма асосида парда, аёллар ва болалар кийимлари тикишни йўлга қўйдик. Ўз бизнесини йўлга қўйишда банк кредити жуда катта ёрдам берди. Фаолиятимизни янада кенгайтириш учун банкдан 15 миллион сўмлик кредит олишни мўлжаллаб турибман. Буни амалга оширсак, қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш ҳисобидан яна 8 янги иш ўрни яратилади.

Анджон вилояти Жалақудук туманидаги саноат ва транспорт касб-ҳўнар коллежи қошида "Микрокредитбанк"нинг туман бўлиמידан олинган имтиёзли кредит ҳисобига ишлаб чи-



Сарвара Абдурашова (ЎА) оғлини сўзлади.

маҳсулотлар тайёрланмоқда. — Иш фаолиятимизни мазкур корхонада бошлаганимдан манунман, — дейди коллеж битирувчиси Комила Араббоева. — Тикаётган кийимларимизнинг сифати юқорилиги учун ҳам харидорларга манзур бўлмоқда. Янги корхона ишга тушиши билан 5 нафар коллеж битирувчиси ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашди. Коллежда тахсил олаётган ўқувчилар корхонада тажриба ошириш имконига эга бўлди. — Тикувчилик фаолияти билан шугулланиш мақсадида банкдан 6 миллион сўмлик имтиёзли кредит олдим, — дейди Асака шаҳар маиший хизмат касб-ҳўнар коллежи битирувчиси Ёдгорой Фанижонова. — Ушбу маблағ ҳисобидан тикув цехимизни кенгайтирдик, янги тикув машиналари сотиб олдик. Натижада 6 нафар тенгдошим ҳам ишга бўлишди.

Банк томонидан ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳам қатор ишлар олиб борилаётди. Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони асосида олиб борилаётган ишлар натижасида, энг аввало, оилавий тадбиркорликни бошлаган ёш оилалар диққат эътиборда бўлиб келаяпти. Уларнинг тадбиркорлиги бошланғич сармоя билан таъминланаяпти. Шунингдек, келгусида уни янада ривожлантириш ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида белгиланган вада зифалардан келиб чиқиб, банк томонидан "Оила фаровонлиги учун" деб номланган хизматлар

Яқинда оила қурган зангиоталик Дилора Одилова ҳам бундай имкониятдан самарали фойдаланиб, мебеллар тўплами сотиб олди. — Биз, ёш оилаларга кам фойз, муайян имтиёзли даври билан берилаётган истеъмол кредитлари орзуларимизни амалга оширишида катта ёрдам бўлмоқда, — дейди Дилора. — Ҳеч қимдан кам бўлмаган шaroитда, яхши яшашимиз учун қатор имтиёз ва афзалликлар яратиб бериётган Президентимиздан миннатдоримиз.

Мамлакатимизда қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёзли кредит олиб, уй-жойини, маиший шaroитини яхшиламоқда, тадбиркорликни йўлга қўймоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда оилалар, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар самарасидир. Юртбошимизнинг 2008 йил 11 ноябрдаги "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёзли кредит олиб, уй-жойини, маиший шaroитини яхшиламоқда, тадбиркорликни йўлга қўймоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда оилалар, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар самарасидир.

Юртбошимизнинг 2008 йил 11 ноябрдаги "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёзли кредит олиб, уй-жойини, маиший шaroитини яхшиламоқда, тадбиркорликни йўлга қўймоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда оилалар, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар самарасидир.

илғор кишилар бўлиб улғайишлари кўмаклашиш, оила даромадларини кўпайтиришга хизмат қилади.

Бўвутлик Раҳматилла Каримов ҳам ака-укаларини ёнига олиб, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйди. Банк томонидан ажратилган 50 миллион сўмлик микролизинг ҳисобига замонавий ускуналар келтириб ўрнатилди ва мақорон маҳсулотлари ишлаб чиқарила бошлади. Ҳозирда саккиз нафар ишчи меҳнат қилаётган мазкур корхонада иш қизғин кетмоқда. Маҳсулот тури ўнга етди.

Бугун қўллаб тадбиркорлар Раҳматилла Каримов сингари банк билан ҳамкорлик қилиб, ўз мақсадларига етмоқда, оиласи фаровонлигини ошириб, юртга нафис томоқда. Буни банк томонидан шу йилнинг ўтган даври мобайнида ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида 3 минг 700 дан зиёд ёш оилага 25,7 миллиард сўмлик сармоя йўналтирилганлигида ҳам кўриш мумкин.



Хитам Мамалатова (ЎА) оғлини сўзлади.

бўлди. Иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқларида иқтисодий ўсиш ва макроиктисодий мутаносиблик ҳамда барқарор ўсишни таъминлаш, саноатнинг етакчи тармоқлари, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, энг муҳими, аҳоли бандлигига кўмаклашишга хизмат қилган ушбу ҳужжатнинг "Микрокредитбанк" ОАТБ томонидан ижро этилишида эришилган натижалар ҳам фикримизга далил бўла олади.

"Микрокредитбанк" томонидан кўрсатилаётган молиявий ёрдам натижасида нафақат шаҳарлар, балки олис қишлоқ ва овулларда ҳам замонавий ускуналар билан жиҳозланган янги корхоналар ишга туширилмоқда. Корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш ишлари муваффақиятли амалга оширилаётди. Ҳўжайли туманидаги тикувчиликка ихтисослашган "Фебел" кичик корхонаси банк томонидан ажратилган 25 миллион сўмлик микрокредитга замона-

миллион сўм кредит олиб, хориждан гишт ишлаб чиқариш бўйича замонавий технология харид қилди.



Кубеитан Азизова оғлини сўзлади.

ган маҳсулотларга дунёда талаб катта. Бу эса экспорт имкониятини янада кенгайтириш мумкинлигидан далолатдир. Юқори-

— Янги линия ишга туширилган, корхонамизда йилига 300 минг дона пишқир гишт ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, қўшимча 30 та янги иш ўрни очилди, — дейди корхона директори Шарофиддин Абдурашова. — Ҳар бир ишчимизда банкнинг маддамини, кўмагини сезиб турибмиз. Ёнингда шундай ҳамкоринг, мададкоринг бор экан, ривожланишинг йўли ҳам ёрқин бўлишига ишонасиз.

Узун туманидаги "Tumaris Istiqbol Tekstil" хусусий корхонаси эса банкнинг 50 миллион сўм имтиёзли кредит маблағи эвазига хориж технологияси билан жиҳозланган корхоналардан. Болалар учун кийим-кечак, пайпоқ ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар арзон ва сифатлилиги билан харидорларга манзур бўлмоқда.

— Жорий йилнинг ўтган даврида корхонамизда етмиш миллион сўмликдан ортиқ, 16 турдаги кийим-кечаклар ишлаб чиқарилди, — дейди хусусий корхона раҳбари Дилафруз Тўхтасинова. — Тайёр маҳсулотлар пешма-пеш буюртмачиларга етказиб берилаётди. Айни пайтда тижорат банкнинг қўшимча кредит маблағи эвазига хориждан дастурувчилик ихтисослашган маҳсулотлар келтириб ўрнатишни мўлжаллаяпмиз.

Корхонани қўшимча ускуналар билан жиҳозлаш натижасида 40 нафар янги иш ўрни барпо этилди. Уларнинг кўпчилигини жорий йилда Узун маиший хизмат касб-ҳўнар коллежини тугатган ёшлар ташкил этади.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарор ҳамда 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарор ижроси бўйича ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жаҳоннинг қўлгина давлатларида муаммога айланиб бораётган озиқ-овқат таъминлиги шaroитида бозорларимиз, эл дастурухони тўқин, Серқўёш, сарҳосил заминимизда етиштирил-

да зикр этганимиз қарорлар ижросидан қўзланган мақсад ҳам ана шундай хайрлидир. Хайрли ишни молиялашда "Микрокредитбанк"нинг ҳам алоҳида ҳиссаси бўлаётди. Айниқса, истиқболли тармоқларни ривожлантириш борасидаги ишлар эътиборга молик.

Қораўзаклик тадбиркор Бибисанам Абдиганиева банкдан олган 28 миллион сўм миқдордаги микрокредит ҳисобидан бир неча бош наслдор қорамол сотиб олиб, чорвачилик билан шугулланмоқда. Айни пайтда бу ерда беш киши доимий иш билан таъминланган.

— Ҳўжалигимиз қошида асаларчиликни ривожлантиришни мўлжалламоқдамиз, — дейди Беруний туманидаги "Қосим нўғай" фермер ҳўжалиги раҳбари К.Пиримбетова. — Биз "Микрокредитбанк"дан 18 миллион сўмлик кредит олиб, бу борада дастлабки ишларни бошладик. Асаларчилик нозик, қўп меҳнат талаб қиладиган, айни вақтда сердармолад соҳа ҳисобланади. Оила аъзоларимиз билан бошлаган тадбиркорлик ишимизни кенгайтириш, бутунги кунда қўшимча беш кишини иш билан таъминладик.

Банк томонидан аҳолининг иш билан бандлик даражасини ошириш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш мақсадида янги ташкил этиладиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тадбиркорликни ривожлантириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун маблағлар бериш ва уларга лизинг хизматлари кўрсатиш сифатини янада ошириш мақсадида изланишлар олиб борилаётди.

Иқтисодий тараққиёт ҳар бир мамлакатнинг куч-қудратини, шу ерда яшаётган оилалар фаровонлигини ва юртнинг озоийшталлигини таъминлайдиган асосий омилдир. "Микрокредитбанк" кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш экан ўзининг катта имкон яратадиган микрокредитлари билан ҳар бир қорамолга яна ҳам яқинроқ қониб бораверади.

Анвар ҚУЛМУРОВО, "Qishloq hayoti" муҳбири.

МУТАХАССИС ШАРҲИ

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда тадбиркорларга қўлай ишбилармонлик муҳити яратиш, улар фаолиятини қонуний ҳимоя қилиш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 18 июлдаги "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг 2-банди асосида тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш, бюрократик ровларни тугатиб бориш, рўйхатга олиш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ҳамда соддалаштириш, солиқ ва божхона маъмуриятчилигини, ҳисоб-китоб ва ҳисобот тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган қонун ҳужжатларини мукамаллаштириш эвазига мамлакатда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш учун янада қўлайроқ шарт-шaroитларни яратиш, хусусий мулкчиликнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ҳиссасини ошириш қатъий белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, жорий йилнинг 30-31 август кунлари бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг навбатдаги тўққизинчи ялпи мажлисида ижтимоий-иқтисодий ҳамда суд-ҳуқуқ соҳасига оид бир неча муҳим қонунлар қаторида "Ҳўжалик юритувчи субъектларининг фаолиятига қўнунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарлик жорий этилиши мунсабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Олий Мажлиси Сенати томонидан маъқулланди ва 2012 йилнинг 12 сентябрда матбуотда эълон қилиниб, шу кўндан эътиборан қонуний кўчга кирди.

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИЛДИ

Маъмурий қўллаб-қувватлаш масаларида алоҳида эътибор берилмоқда. Ақриллаётган имтиёзли микрокредитлар жойларда, айниқса, чекка қишлоқларда тадбиркорларнинг бошланғич сармоясини шакллантиришга замин яратаётганлиги, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга катта ҳисса қўшаётгани эътиборга моликдир. Тадбиркорликнинг турли йўналишлари — маиший хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, чорвачилик, паррандачилик, балкичилик ва асаларчиликни ташкил этишда микрокредитлардан фойдаланиш ниҳоятда самаралидир.

Банкнинг мазкур янги хизматлари жисмоний шахсларга мўлжалланган бўлиб, оила учун ҳар томонлама қўлайлиқлар, имкониятлар яратиш, оилалардаги фарзандларнинг замонавий,

биркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунининг "Пул маблағларини тасарруф этиш кафолатлари" номи 21-моддаси еттинчи қисмида тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бундай маъмурий ҳақида маълумот талаб қилиб олиш, шунингдек, бундай маълумотларнинг банклар томонидан қўнунга хилоф равишда тақдим этилиши қатъий таъқиқланганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг янги 206-моддаси биринчи қисмида, яъни юқоридаги ҳаракатларни содир қилган шахслар биринчи марта маъмурий жавобгарликка тортилиши, худди шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилса, жиний жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилди.

Буллардан ташқари, Жиноят кодексига янги киритилган 206-модданинг шахсининг тўғридан-тўғри жиний жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, маъмурий жавобгарлик қўнунга хилоф равишда аралашгани бартараф этилиши янада такомиллаштириш, энг муҳими, мазкур жиноятлар учун муқаррар жавобгарликни таъминлашдан иборат.

Абдунаби ЖАЙНАРОВ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳуқуқий Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими.

Жиззах вилояти

БУГУН БИТИРУВЧИ, ЭРТАГА ТАДБИРКОР

Нигора Бобоева Мирзачўл агроқтисодиёт касб-хунари коллежининг битирувчиси. У болалигида онажони Фотима Латипова сингари чевар тикувчи бўлишни орзу қиларди. Шу боис, дарслардан кейинги бўш пайтларини онасининг бичиш-тикиш ҳунарини кузатиш, баҳоли қудрат кўмаклаши билан ўтказар эди. Зеҳинли ва қобилиятлиги туфайли ушбу кузатувлари довомидақ бу касбнинг асосий сир ва қондаларини ўзлаштириб улгурганди.



Ахборот асри, техника тараққиёти жадаллашуви Нигорахоннинг юрагида яна бир оразуни уйғотди. Бу компьютер операторлиги касбини эгаллаш эди. Орзу ортидан коллежга борди. Келгуси йил уни битказиб, диплом олади. Нигора коллежининг иккинчи босқичидан таътилга чиққанда болалик йилларида онасидан ўрганган чеварлик ҳунарини мукамаллаштириш мақсадида Тошкентдаги "Машхура" ўқув марказига ўқишга йўл олди. Марказда ўқитиш-ўргатиш ишлари шу қадар мукамал ва замонавий ташкил этилган экан. Унда миллий ҳунармандчилик замонавий дизайн ҳамда безаклар билан уйғунлаштирилиб олиб бориларкан. Қизлар эса ўқишга келганлари 1-1,5 ой бўлиб қўлвазифали тикув машиналарини бемалол ишлати-

шар, тикаётган кийим-кечақларига ажойиб гул ва безаклар нақш этишарди. Энг муҳими, бу ишларнинг аксариятини компьютерлашган тикув машиналарида уйдлашарди. Буларни кўргач, Нигорахон коллежга ўқиби, компьютер ва электрон ҳисоблаш машиналари бўйича касб ўрганаётганидан яна бир қарра хурсанд бўлди. Демак, миллий чеварлик ҳунарини замонавий бичувчи-тикувчи ва дизайн технологияи касблари билан уйғун ҳолда ташкиллаштиради.

Хунари сирларини ўрганган Нигорахон пайтахтдан қайтиб онасининг туманидаги мўъжазгина "Ситора" чеварлик ўқув марказини қайта ташкил этди. Икчам ва қулай, замонавий тикув машиналари олишди. Айни пайтда коллеждаги ўқишларидан бўш пайтларида кўплаб бежи-

рим кийим-кечақлар, элита пардалари, курак буюмлар, ҳатто, эркаклар костюм-шимлари тикмоқда. Тиккан маҳсулотлари эса харидорлар томонидан пешма-пеш олиб кетилмоқда.

— Ёзга чиқиб, коллежни битказганимдан сўнг, қаерга брай, нима шик қилай, деган ўй-ташвишни йўлга қўман. Бу билан нафақат ўзим, балки мен билан бирга ўн нафар тенгдошим ишли бўлишди. Қелдиёр ЖўРАҚУЛОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖНИНГ ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Фарғона вилояти Данғара тумани ҳокимининг 2012 йил 29 октябрдаги №392-сонли алоқа хати 2012 йил 23 октябрдаги №73-Ф-сонли фармойишига ва 2012 йил 2 ноябрдаги №397-сонли алоқа хати 1 ноябрдаги 2012 йил №77-Ф-сонли фармойишларига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга жами 2 (икки) та ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:

да танлов голиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов голиби деб топилди.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

II. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Фарғона вилояти Фарғона шаҳар ҳокимининг 2012 йил 22 октябрдаги №1918-01-22 сонли алоқа хати 2012 йил 25 сентябрдаги №230-Ф-сонли фармойишига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга жами 1 (бир) та ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:

1. Икки қаватли маиший хизмат кўрсатиш комплекси қуриш учун, Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Темир йўл (3.Иргашев) кўчаси 1-зона ҳудудда жойлашган 1 дона қурилиш ер ости майдони 370 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 282 795 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Фарғона шаҳар архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан бюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2012 йил 10 декабрь кuni соат 18:00 да тўхтатилади.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Фарғона шаҳар ҳокимлиги биносида 2012 йил 11 декабрь кuni соат 11:00 да очилади, 2012 йил 11 декабрь кuni соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов голиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов голиби деб топилди.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Танлов ташкилотчиси - "Ko'shmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Фарғона вилояти филиали. Танлов ташкилотчисининг

манзили: Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Б.Марғинович кўчаси 35-уй, "Биржа маркази" биноси. Тел/факс: (8-373) 224-68-70, электрон почта: raitmsavdo@inbox.uz. Расмий сайти: www.fkms.uz. Лицензия № RR 0001.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчиси билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган бюртманомани икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юрифтаган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- танлов ташкилотчисининг банк ҳисобқаммага закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

- танлов ҳужжатлари талабгорларга мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатлари олиш учун тўловлар ва закалат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реқвизитлари: "Халқ банки" Фарғона вилояти филиали, амалиёт бўлимидаги қуйидаги ҳисобқаммага тўлашлар шарт: 2020800004920609011, МФО: 00497, СТИР: 207122519.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш мумкин бўлган манзил: Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Б.Марғинович кўчаси 35-уй, "Биржа маркази" биноси.

Судлар ҳар бир содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликни кўриб чиқиш билан чекланмай, қонун бузилишининг олдини олишга ҳам алоҳида эътибор бермоқдалар. Маъмурий жазо қўлланиш мақсади билан ҳуқуқбузарликнинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олишди.

СУД ТАҚДИМОМАСИ

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 313-моддаси маъмурий ишни кўриб чиқатган орган (мансабдор шахс)га ҳуқуқбузарликнинг содир этилиш сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш вазифини юклайди. Шу сабабли судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва шарт-шароитлари аниқланганда, ана шу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгилаш тўғрисида тегишли корхона, муассаса, ташкилот ва ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарларига уларнинг оператив фаолиятига беvosита аралашмаган ҳолда тақдимнома киритилади. Мазкур тақдимномада маъмурий ҳуқуқбузарликнинг келиб чиқиш омиллари ва келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида қандай чоралар кўриш кераклигини аниқ кўрсатиб ўтилади.

Тақдимномани кўриб чиқиш вазираси ушбу ташкилотлар мансабдор шахслари зиммасига юклатилади. Мансабдор шахслар томонидан тақдимномада кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишига йўл очуви сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш борасида ўз вақтида, сифатли ва тўла тегишли чоралар кўрилиши амалдаги қонунлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 7-моддасида қайд этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, уларнинг содир этилишига олиб келувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, фуқароларни оғли, интизомли бўлиш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган тадбирлар доирасида олиб борилади.

Фаррух Тўрсунов, Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти Қоровулбозор тумани суди раиси.

Advertisement for 'AZIZ HAMKASBLAR!' (Precious Partners!) featuring a group of people in a professional setting. Text includes 'Sizlarning Tibbiyot xodimlari qurilishi muvaffaqiyatli bo'lganligi haqida, erkinlik vositalari bilan bir vaqtda sog'lom qurilishni ta'minlash uchun, qurilishni tez va qat'iy olib borishni ta'minlash uchun, qurilishni tez va qat'iy olib borishni ta'minlash uchun...' and 'YANGIYUL TUMANI TIBBIYOT BIRLASHMASI VA TIBBIYOT XODIMLARI KASABA UYUSHMASI'.

Advertisement for 'Aziz Yordoshlar!' (Precious Partners!) featuring a group of people. Text includes '«Обуна — 2013»' and 'Қишлоқларимиз ҳаёти, Ислохотлар самараси, Шу куннинг нафаси, Лавҳаларда акс этган жараён, Орамиздаги фидойи одамлар, Қизиқарли маълумотлар, Ҳаётнинг долзарб муаммолари, Ахборот ва воқеалар тафсилоти, Ёшларга берилётган имкониятлар, Техник ва технологик янгиланишлар, Инновацион лойиҳалар'.

Advertisement for 'AGTECH AGRARI' (AGTECH AGRARI) featuring a tractor. Text includes 'ЗНАКИТИ СІФАТИ ҚОҒ'ОЗЛАРИ' and 'AGRO-METIZ' MCHJ'.

Advertisement for 'AGTECH AGRARI' (AGTECH AGRARI) featuring a tractor. Text includes 'ЗНАКИТИ СІФАТИ ҚОҒ'ОЗЛАРИ' and 'AGRO-METIZ' MCHJ'.

Advertisement for 'SALAHITIN UNIVERSAL TRADE' (SALAHITIN UNIVERSAL TRADE) featuring a truck. Text includes 'SALAHITIN UNIVERSAL TRADE' and 'SALAHITIN UNIVERSAL TRADE'.

Footer section containing contact information for 'Qishloq hayoti' magazine, including phone numbers, addresses, and subscription details.